

Куч-адолатда

Ал ила олам юзин обод қил

2020 йил
30 декабрь,
чоршанба
№ 51-52 (825)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Азиз юрдошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Олий Мажлисга ва халқимизга йўланаётган бу йилги Мурожаатнома, ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб бир даврга тўғри келмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Охириги маълумотларга кўра, дунёнинг 191 мамлакатига 81 миллион киши коронавирус билан касалланган. Улардан 1 миллион 765 минг нафари вафот этган.

Пандемия жаҳон иқтисодиёти учун — шунга эътибор беринг — ҳар ойда қарийб 400 миллиард доллар миқдорига зарар келтирмоқда. Бугунги кунга қадар дунё бўйича 500 миллионга иш ўрни йўқотилган.

Афсуски, бу офат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам қутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Халқимизнинг буқилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонатли, аҳоли ва давлат органларининг биргалликдаги сазъ-ҳаракатлари туфайли мавжуд қийинчиликларни мардона энгиб ўтмоқда.

Хабарингиз бор, пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди.

Қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволанган масканлари ташкил этилди. Улар зарур дори-дармон, химия

ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди.

Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошларимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин ахволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдамлар кўрсатилди.

Пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

"Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида фидойи ва олижаноб ватандошларимизнинг фаол иштирокида 800 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга 1 триллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз пайтида кўрилган тезкор ва тизимли чораларимиз натижасида ушбу хатарли касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этмоқда.

Карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга, ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонқуяр шифокорларга, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатида муносиб иштирок этган барча тадбир-

кор ва фуқароларимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Пандемияга қарши курашда бизга амалий кўмак берган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, халқаро молия институтлари, Россия, Хитой, АҚШ, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Германия каби давлатлар раҳбарларига ташаккур билдираман.

Мамлакатимиз билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган чет давлатларнинг ҳурматли элчилари, халқаро ташкилотлар вакилларига раҳмат айтиб, эзгу тилаklarимни билдиришдан мамнунман.

Ҳурматли парламент аъзолари! Қадрли дўстлар!
Жорий йилда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш" Давлат дастурига мувофиқ янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотларни қатъий давом эттирдик.

Халқаро валюта жамғармаси ва халқаро рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, бу йилги синовларга қарамадан, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Европа Иттифоқи тузилмалари билан яқин ҳамкорликда мамлакатимизга кенгайтирилган савдо преференциялари — "GSP+" тизими натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёқин майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва энгиликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4

илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари паст фоизларда жойлаштирилди.

Бу йил республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. Жумладан, "Навоийазот" да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамадан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёқин майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди.

Тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб имтиёз ва энгиликлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4

баробар кўп кредитлар ажратилди. **2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди, десак, муболаға бўлмади.**

Авалло, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошладик.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги — "темир дафтар" тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди.

Деҳқон ҳўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ташкил этилган "IT-Парклар" да 500 дан ортиқ замонавий компаниялар иш бошлади.

Яқунланаётган йилда марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш учун 3 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди. Натижада аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 73 фоизга етди.

Биргина жорий йилда ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробарга оширилиб, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Кичик ёшдаги болаларни мак-

табгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошди.

Бу йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.

Эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилинди.

Ўзбекистон "Очиқ маълумотларни кузатиш" халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. Бунда давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги 20 та йўналиш бўйича кўрсаткичларни ошқор қилиб бориш амалиёти жорий этилгани муҳим аҳамият касб этди.

"Иқтисодий эркинлик" рейтингига ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислохотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳаси, жумладан, жиний ҳазорани либераллаштириш борасидаги ислохотларимиз ҳам изчил давом эттирилди. Натижада бу йил судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан овозликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳазорат тайинланди.

Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилди.

Судлар мустақиллиги таъминланиши натижасида жорий йилнинг ўзига 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди.

Ўзбекистон фуқаролари қаерда бўлмасин, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилинмоқда. "Меҳр-3" операцияси амалга оширилиб, Суриядан яна 98 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар Ватанимизга олиб келингани бунинг яққол тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда) ►

ҚАНЧАЛИК ҚИЙИН ВА МУРАККАБ БЎЛМАСИН, ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР ЙЎЛИДАН ҲЕЧ ҚАЧОН ОРТГА ҚАЙТМАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мурожаатнома 15 та телеканал орқали жонли эфирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида онлайн ёритиб борилди.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа бўлган ушбу тадбир 2017 йилдан буён аънанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Унда тугаётган йилдаги асосий кўрсаткичлар, янги йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалар эълон қилинди. Шу боис халқимиз бу тадбирни катта қизиқиш билан кутиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу галги Мурожаатнома ўтган йиллардан фарқли равишда, мураккаб даврга тўғри келганини таъкидлади. 2020 йилда коронавирус пандемияси бутун инсониятни жиддий синов-

дан ўтказди. Бундай қўламдаги офат жаҳонда сўнгги юз йилда рўй бермаган, қанчалар инсонлар қурбон бўлиб, миллионлаб иш ўринлари йўқотилгани, мамлакатлар иқтисодиёти катта қийинчиликларга дуч келгани қайд этилди.

Афсуски, бу фалокат бутун инсоният қатори халқимиз учун ҳам қутилмаган ташвиш ва мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди. Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар ҳам эл-юртимизнинг буқилмас иродасини яна бир бор синовдан ўтказди.

Халқимиз бу синовлар олдида саросимага тушмади, фидокорона меҳнати ва матонатли, аҳоли ва давлат органларининг ҳамжиҳатлигида сазъ-ҳаракатлари туфайли барча қийинчиликларни мардона энгиб ўтмоқда.

Давлатимиз раҳбари пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бутун бошқарув тизими фавқулодда иш режимига ўтказилгани, қисқа муддатда пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф

этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилганини таъкидлади.

Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида ўз вақтида кўрилган тезкор ва тизимли чора-тадбирлар натижасида ушбу касалликнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмади. Юртимизда осойишта ҳаёт таъминланиб, барқарор иқтисодий ривожланиш давом этаётгани қайд этилди.

Президентимиз карантин талабларига риоя қилиб яшаган ва меҳнат қилган олижаноб халқимизга, ўта хавфли вирус билан кечаю кундуз мардона курашган жонқуяр шифокорларга, қийин дамда ёрдамга муҳтож аҳолига кўмак берган тадбиркорлар, хорижий ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

Маълумки, Президентимиз тақдими билан 2020 йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган эди. Бу борадаги Давлат дастурига мувофиқ, янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотлар қатъий давом эттирилди.

Жумладан, бу йилги синовларга қарамадан, Ўзбекистон дунёнинг саноқли давлатлари қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.

Жорий йилда мамлакатимизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар, инфратузилма объектлари барпо этилди. Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида умумий қуввати 2 минг 700 мегаватт бўлган 6 та янги электр станциясини барпо этиш бошланди. Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси, 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ ҳўжалигида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида, пандемия даврида 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди. Тадбиркорлик фаолияти кенг қўллаб-қувватланди.

2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида туб бурилиш йили бўлди. Камбағалликни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар бошланди. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада

эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги ишлар узлуксиз олиб борилди. Ўзбекистон 2020 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиб сайлангани, яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан диний эркинлик соҳасидаги "махсус кузатувдаги давлатлар" рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг қўламли демократик ислохотларнинг натижасидир.

Ўзбекистон "Очиқ маълумотларни кузатиш" халқаро индексида 125 поғонага кўтарилиб, 44-ўринни эгаллади. "Иқтисодий эркинлик" рейтингига ҳам мамлакатимизнинг 26 поғона кўтарилгани ислохотларимизнинг халқаро майдондаги яна бир эътирофи бўлди.

Коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатини фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий сазъ-ҳаракатлари туфайли дунё ҳамжамиятида юртимизнинг обрў-эътибори ва нуфузи тобора юксалмоқда.

Ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада ривожлантиришга қаратилган энг муҳим вазифалар, ички ва ташқи сиёсатга доир устувор йўналишлар белгиланди.

Янги йилда янада катта сафарбарлик руҳида ишлашимизга тўғри келади. Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Мурожаатнома якунида эл-юртимиз ҳозирги оғир шароитда барча синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва иродали бўлиб чиқаётганини таъкидланди. Ҳеч шубҳасиз, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишонч халқимизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштирди. Бу интилишлар халқимизни улкан амалий ишларга, янги йилда янада баланд марраларни қўлга киритишга руҳлантиради.

Матназар ЭЛМУРДОВ,
Ўза муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

Қ А Р О Р И

2020 йил 19 декабрь

№ 35

Тошкент шаҳри

Судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича далиллар ва исботлашга оид қонун нормаларини қўллаш амалиёти тўғрисида

Янги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процесуал кодекси (бундан буйин матнда ФПК деб юритилади) амалга киритилиши муносабати билан, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича далилларга оид қонун нормалари судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилиши таъминлаш мақсадига, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларга тушунтирилсинки, ФПК 71-моддасига кўра, фуқаролик иши бўйича далиллар деганда, тарафлар ўз талаблари ва эътирозларини асослаётган ҳолатлар, шунингдек, ишнинг тўғри ҳал қилиниши учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳар қандай ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суд қонунда белгиланган тартибда аниқлаши учун асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар тушунилади. Бу маълумотлар куйидагилардан олиниши мумкин:

тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришларидан; гувоҳлар кўрсатувларидан; ёзма ва ашёвий далиллардан; аудио- ва видеоёзувлардан; экспертлар хулосаларидан; мутахассислар маслаҳатлари (тушунтиришлари)дан.

2. Тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришлари деганда, ушбу шахслар ва уларнинг вакиллари томонидан иш учун аҳамиятга эга ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни судга бидиришлари тушунилиши лозим.

Тарафлар, учинчи шахслар ва улар вакилларининг тушунтиришлари оғзаки тарзда ҳам, ёзма кўринишда ҳам берилиши, шунингдек, ФПК 209-моддасида белгиланган тартибда видеоконференцалоқ тизимидан фойдаланиши йўли билан олиниши мумкин.

3. Гувоҳларни сўроқ қилиш суд томонидан ФПК 229-231-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Гувоҳларнинг далилларни таъминлаш ёки суд топшириги тартибда олинган кўрсатувлари суд мажлисида ўқиб эшиттирилади.

Тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар илтимосига ёки суднинг ташаббусига кўра, ишни кўраётган суд жойлашган жойдан бошқа ерда яшовчи гувоҳлар суд топшириги тартибда ёки видеоконференцалоқ воситаларидан фойдаланиши орқали сўроқ қилинишлари мумкин.

Шуни назарда тутиш лозимки, фуқаролик иши бўйича вакил ёки жиноят иши бўйича ҳимоячи сифатида қатнашган шахс вакил ёки ҳимоячи вазифасини бажарганлиги муносабати билан унга маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида, шунингдек, жисмоний ва руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар тўғ-

рисида тўғри кўрсатувлар беришга лаёқатсиз шахс гувоҳ бўла олмайди.

Шу билан бирга ишда иштирок этувчи шахсларга нисбатан қариндошлиги, хизмат бўйича ёки бошқа қарамлиги ёхуд шахсий адовати борлиги шахснинг ишда гувоҳ сифатида қатнашишига тўсқинлик қилмайди. Мазкур ҳолатлар суд томонидан гувоҳ кўрсатувларини баҳолашда эътиборга олиниши лозим.

4. Судларга тушунтирилсинки, ФПК 84-моддасига мувофиқ, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган рақамли, график ёзув шаклида бажарилган, шу жумладан, факс, электрон ёки бошқа алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконини берадиган ўзга усулда олинган ҳужжатлар ва материаллар ёзма далиллар ҳисобланади.

Бир қатор ҳужжатлар (ФХДЁ органлари томонидан бериладиган гувоҳномалар, нотариал ҳужжатлар, векселлар) ҳуқуқий шакли тартибга солинган ва улар учун муайян ҳимоя даражасига эга бўлган махсус бланкалар, махсус рекевизитлар (муҳр, штамп) ва шаклига нисбатан бошқа талаблар назарда тутилган бўлиб, улар мазкур талабларга мувофиқ бўлмаганда, шунингдек, улар имзоланмаган ёки ваколат берилмаган шахс томонидан имзоланган ҳолларда, улар суд томонидан ёзма далиллар сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

5. ФПК 87-моддасига кўра, ёзма далиллар судга, қоида тартибда, асл нусхада ёки тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхада тақдим этилади. Агар ҳужжатнинг кўчирма нусхаси тақдим этилган бўлса, суд зарур ҳолларда, унинг аслини талаб қилиб олишга ҳақли. Агар кўриб чиқилаётган ишга ҳужжатнинг фақат бир қисми таллуқли бўлса, унинг тасдиқланган кўчирма нусхаси тақдим этилиши мумкин. Ишга ҳужжатнинг аслини қўйиб қўйиш имкони бўлмаган ҳолларда, судья ҳужжатнинг кўчирма нусхаси устига унинг аслига мослиги тўғрисида белги қўяди.

Имзосиз хатларда келтирилган, шунингдек, келиб чиқиши номаълум бўлган ёки қонун бузилган ҳолда олинган маълумотлар далил бўла олмайди (ФПК 71-моддасининг иккинчи қисми).

ФПК 80-моддасининг саккизинчи қисмига кўра,

фақат ҳужжатнинг ёки бошқа ёзма далилнинг кўчирма нусхаси билан тасдиқланган ҳолатлар, башарти тарафлар томонидан тақдим этилган ҳужжатнинг кўчирма нусхалари ўзаро бир хил бўлмаса ва ҳужжатнинг асл мазмунини бошқа далиллар ёрдамида аниқлашнинг иложи бўлмаса, исботланган деб ҳисобланмайди.

6. Судларга тушунтирилсинки, ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган чет давлатда олинган ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда легализация қилинган ҳоллардагина суд томонидан ёзма далил деб тан олиниши мумкин ва уларга умумий асосларда баҳо берилмайди.

7. Ашёвий далиллар деганда, ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган предметлар тушунилади. Ашёвий далиллар суд томонидан кўздан кечирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса, экспертлар, мутахассислар ва гувоҳларга тақдим этилади.

8. ФПК 239-моддасига мувофиқ, ёзма ва ашёвий далилларни судга тақдим этиш имконияти бўлмаганда, улар турган жойда кўздан кечирилиши ва текширилиши лозим. Ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечириш натижалари суд мажлиси баённомасига киритилади ва унга кўздан кечириш пайтида тузилган режалар, чизмалар, суратлар, ҳисоб-китоблар, фотосуратлар, шунингдек, эксперт хулосаси ва мутахассис маслаҳати илова қилинади.

9. Фуқаролик иши бўйича исботлаш предмети ишни тўғри ҳал қилиш учун суд томонидан аниқлаши лозим бўлган ҳолатлар доирасидан иборат. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, қонунда иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар доирасини аниқлаш, уларни муҳофамага қўйиш, ҳатто тарафлар ёки ҳолатларни келтирмаган бўлса ҳам, судга юклатилган (ФПК 72-моддасининг иккинчи қисми).

10. Процессуал қонун талабларига мувофиқ, далилларни тақдим этиш ва исботлаш мажбурияти тарафларга юклатилган. Шу билан бирга судлар назарда тутишлари лозимки, қонунда далилларни тақдим этиш мажбуриятини тақсимлашга оид умумий қоидалардан ташқари, айрим тоифадаги ишлар учун махсус қоидалар ҳам белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мехнат қонунининг 111-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишнинг асослигини исботлаш масъулияти иш берувчига юклатилади, зарар етказишда айби

йўқлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш мажбурияти эса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 985-моддасига мувофиқ жавобгарга юклатилади.

11. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, иш учун аҳамиятга эга бўлган, лекин суд томонидан ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлар ФПК 75-моддасининг биринчи қисмига кўра, исботлашни талаб этмайди. Ҳаммага маълум ҳолат деганда, жумладан, ҳам тарафларга ва ҳам ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга аниқ маълум бўлган факт тушунилиши лозим.

ФПК 75-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ, фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий иш бўйича суднинг қонуний қучга кирган қарори билан аниқланган фактлар айнан шу шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишлари муҳофазаси вақтида янгидан исбот қилинмайди ва низолашлиши мумкин эмас.

Жиноят иши бўйича қонуний қучга кирган суд ҳукми устидан ҳукм чиқарилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларига оид ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилган-этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилганлиги-этилмаганлиги масалалари бўйича мажбурийдир. Ҳал қилув қарориди, ҳукмига ҳавола қилинишидан ташқари, тарафлар томонидан тақдим этилган ва суд томонидан тўпланган ҳамда даъво мазмуни бўйича хулосага келишда суд асосланган далиллар кўрсатилиши лозим. Етказилган зарар миқдорига доир ҳолатлар умумий асосларда исботланиши лозим.

Нотариус томонидан нотариал ҳаракат амалга оширилган пайтда тасдиқланган ҳолатлар ҳам, агар нотариал тартибда тасдиқланган ҳужжатнинг ҳақиқийлиги ФПК 235 ва 236-моддаларида белгиланган тартибда рад этилмаган ёки нотариал ҳаракатни амалга ошириш тартиби жиддий тарзда бузилганлиги аниқланмаган бўлса, исботлашни талаб этмайди (ФПК 75-моддасининг бешинчи қисми).

12. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, бир тараф томонидан бошқа тараф ўз талаб ёки эътирозларини асослаётган фактларнинг тан олиниши, фактлари тан олинган тарафни бу фактларни исботлаш мажбуриятидан озод қилади. Шу билан бирга, агар бундай фактларга нисбатан судда шубҳа пайдо бўлса, улар умумий асосларда исботланиши лозим (ФПК 81-моддаси).

13. Процессуал қонун талабларига мувофиқ, фуқаролик ишлари бўйича исботлаш далиллар алоқадорлиги ва мақбуллиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оши-

рилиши лозим.

Далиллар мақбуллиги қоида (ФПК 74-моддаси) қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган иш ҳолатлари бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмаслигини англатади (масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 109-моддасида белгиланган битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик, низо келиб чиққанда тарафларни битим тузилганлиги ва унинг шартларини тасдиқлаш мақсадида гувоҳлар кўрсатуви таяниш ҳуқуқидан маҳрум қилади).

Далиллар алоқадорлиги қоида (ФПК 73-моддаси) суд томонидан, фақат низо предметига алоқадор ҳолатларни тасдиқловчи далиллар кўришга қабул қилиниши мумкинлигини англатади. Шунга кўра, судлар барча ҳолларда, айнан қайси ҳолатлар иш бўйича аҳамиятга эга эканлигини ва гувоҳлар кўрсатувлари, ёзма ёки ашёвий далиллар билан тасдиқланиши мумкинлигини аниқлаб олишлари лозим.

14. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, далилларни тақдим этиш тарафларга юклатилганлиги туфайли, далилларни тақдим этиш улар учун қийинчилик туғдирган ҳолларда, суд уларнинг илтимосига кўра, далиллар тўпланишида кўмаклашиши лозим.

15. Бирор-бир сабабга кўра, далилларни ишни кўраётган судга бевосита тақдим этиш имкони бўлмаса (масалан, далиллар бошқа аҳоли пункти ҳудудида бўлса), суд бошқа судга уларни талаб қилиб олиш ва текшириш бўйича процессуал ҳаракатлар ўтказиш тўғрисида суд топшириги юборлади.

16. Зарур далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади, деб ҳисоблашга асоси бўлган шахс илтимосига кўра, суд бундай далилларни таъминлаш бўйича қонунда кўзда тутилган чоралар кўриши лозим. Бундай чо-ралар иш кўзгатишга қадар ҳам, кўзгатишдан сўнг ҳам ва, нафақат ишни кўраётган суд томонидан, балки далилларни таъминлаш бўйича суд топшириги юборилган суд томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

17. Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган, иш учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни ўзидан сақлаган аудио- ёки видеоёзувлар, электрон почта ёки бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган ёзишмалар суд томонидан бошқа далиллар мажмуида баҳолаши лозим. Аудио- ёки видеоёзувни тақдим этган ёки уни талаб қилиб олиш тўғриси-

да илтимоснома берган томонидан ва қандай шароитларда (ҳолатларда) амалга оширилганлигини аниқлаш шарт, мазкур ёзувни амалга оширган шахс эса, зарурат вужудга келганда, суд мажлисида сўроқ қилиниши мумкин.

Кузатув камералари видеоёзувлари, бундай ёзувлар амалдаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилгандагина, мақбул далиллар ҳисобланади.

Ишда иштирок этувчи шахслар томонидан ҳужжатнинг ёки тақдим этилган аудио-видеоёзувнинг қалбаки эканлиги тўғрисида арз қилинган тақдирда, суд мазкур аризани текшириш учун тегишли экспертиза тайинлаши ёки бошқа далиллар талаб қилиши мумкин.

18. Судларга тушунтирилсинки, эксперт хулосасидан, агар у ФПК талабларига қатъий мувофиқ ҳолда тайинланган ва ўтказилган суд экспертизаси натижаси бўйича тузилган бўлса, мустақил исботлаш воситаси тури сифатида фойдаланилиши мумкин. Процессуал қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолда олинган ҳар қандай бошқа хулосалар исботлаш воситаси сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

Тараф тақдирот предмети (зарур материаллар ва ҳужжатларни) экспертга беришдан ёки экспертиза ўтказилишида шахсан иштирок этишдан уэрли сабабларсиз бош тортганда, суд қайси тараф уэрли сабабларсиз экспертизадан бош тортганлиги, шунингдек, унинг учун ўтказилмай қолган экспертиза қандай аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, аниқланиши учун экспертиза тайинланган факт аниқланган ёки рад этилган деб топишга ҳақли.

19. Қонун бўйича далилларни текшириш деганда, далилни бошқа далиллар ёрдамида текшириш, шунингдек, агар тақдим этилган далилларда қарам-қаршилиқлар бўлса, уларни аниқлаш ва бартараф этиш тушунилади. Суд иш бўйича қарор қабул қилишда суд муҳофазаси даврида текширилмаган далилларга ҳавола қилишдан, балки далилларни таъминлаш бўйича суд топшириги юборилган суд томонидан ҳам кўрилиши мумкин.

20. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонунда шахсий ёзишмалар, телеграф ва бошқа хабарларни очиб суд мажлисида эшиттириш йўли билан текширишга, фақат шу ёзишма, телеграф ва бошқа хабарларни ўзаро ёзишган шахслар розилиги билан йўл қўйилиши мумкинлигини назарда тутувчи махсус қоидалар белгиланган.

20. ФПК 80-моддаси-

нинг биринчи қисмига мувофиқ, суд иш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни суд мажлисида ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиққандан сўнг, далилларга ўз ички ишончига асосланиб баҳо беради.

21. Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлик нуқтаи назаридан, далиллар мажмуи эса — етарлилик нуқтаи назаридан баҳолаши лозим. Далилларга баҳо бериш мантиқий, ҳақиқий ҳолатга мувофиқ бўлиши, баҳо бериш натижалари эса, суд ҳужжатида акс эттирилиши лозим. Агар суд ҳужжат қалбаки деган хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқаради.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ФПК 80-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, ҳеч бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Далил, агар у ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлса, суд томонидан қабул қилинади, ёки, агар уларга мувофиқ бўлмаса, рад қилинади. Бирор-бир далилни унинг ишончсизлиги сабабли рад этганда, суд шу масала бўйича ўз нуқтаи назарини асослаши шарт.

Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси ҳам суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмас ва иш бўйича бошқа далиллар мажмуида баҳолаши лозим. Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси билан келишмаси, суд ўзининг келишмаслиги сабабларини суд ҳужжатида асослаши шарт.

22. Муқаддам қабул қилинган суд ҳужжати бекор қилинганидан сўнг ишни қайтадан кўришда, агар янги суд мажлисида гувоҳнинг иштирок этиши имкони бўлмаса (бетоблиги оқибатида, узоқ хизмат сафари ва бошқалар) суд илгариги суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳнинг кўрсатувларини, шунингдек, олдинги суд мажлисларида даъвои таъминлаш (ФПК 78-моддаси) ва суд топшириги (ФПК 103, 104-моддалари) тартибда олинган ёзма далилларни ўқиб эшиттиришга ва бошқа далиллар мажмуида баҳолашга ҳақлидир. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, мазкур қоида тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахслар тушунтиришларига нисбатан қўлланилмайди.

23. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 11-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби, Олий суд судьяси

И. АЛИМОВ

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Икрам МУСЛИМОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Замира ЭСОНОВА
Олим ҲАЙИТОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:

Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1223. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотува эркин нарҳда. Адади: 4887
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21³⁰. Топширилди: 4³⁰.